АХБОРОТ-КУТУБХОНА ВА АРХИВ ФОНДЛАРИ ОЧИҚ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ҳафиза Каримова
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ахборот ва коммуникация масалалари қўмитаси аъзоси

Ободбой Қиличбоев
Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси бош мутахассиси

In this article is given speech of Prezident Republic of Uzbekistan with initiative about the legislative issues of Samarkhan and Bukhararegions. And there were given methods of conversing informationsof State government by information-library fund.

Ахборот соҳасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатимиз раҳбари томонидан Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва кучли фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш бўйича олға сурилган миллий моделнинг устувор йўналишларидан биридир. Ушбу жараёнда мамлакатимиз Президенти ташаббуси билан лойиҳаси ишлаб чиқилган "Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни жуда муҳим.

Мазкур қонун лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш ҳақида Юртбошимизнинг махсус фармойиши чиқиши миллий конунчилигимиз амалиётида бу ҳужжатга берилаётган эътибордан нишонадир.

Фармойишда Қонун лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш тартиби ва Ишчи комиссияси таркиби тасдиқланган, шунингдек Бухоро ва Самарқанд вилоятлари ҳуқуқий эксперимент субъектлари этиб белгиланган. Айни пайтда, ушбу фармойишдан келиб чиққан ҳолда ҳар иккала вилоят ҳам ўз ишчи комиссияларининг таркибини ҳамда ички ҳужжатларини тасдиқлаганлар.

Комиссиянинг асосий вазифалари ҳуқуқий эксперимент ўтказилиши доирасида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан тақдим этиладиган ахборот материалларини тўплаш, тизимга солиш ва тегишли ахборот-кутубхона ва архив фондларига ўтказишдан иборат.

Ҳар чоракда тезкор маълумотларнинг ҳисоботлар ва статистик маълумотлар билан мутаносиблигини солиштириш, ҳуқуқий эксперимент ўтказилиши доирасида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан ахборот-кутубхона ва архив фондларига тақдим этилган ахборот ресурсларининг тўлиқлиги, аниқлиги, шунингдек, мувофиқлиги ва сифатлилигини инвентаризация қилиш ҳам комиссия зиммасига юкланган.

21 та моддадан иборат бўлган Қонун лойиҳаси сўз ва ахборот эркинлиги, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг, мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар сиёсатининг очиқлигини таъминлаш, давлат органлари томонидан қабул қилинаётган, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган қарорлар тўғрисида аҳолини хабардор этишда ОАВнинг ролини оширишга хизмат қилади.

Ҳуқуқий эксперимент, уни ўтказиш тартибига биноан, уч босқичда олиб борилди. Яъни тайёргарлик кўриш босқичи (2013 йилнинг март–апрель ойлари), асосий босқич (май–ноябрь), якуний босқич (декабрь).

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқ ва ошкоралигини таъминлаш мақсадида Қонун лойиҳасида оммавий ахборот воситалари, жисмоний ва юридик шахсларнинг маълумот олиш процедураси (тартиби) кўзда тутилган. Жамият аъзоларини давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг фаолиятидан иложи борича тўкис воқиф қилиш мақсадида ҳамманинг кўзи тушадиган жойга осилган хабарнома тахталаридан, ҳокимият ёки бошқарув органининг расмий веб-сайтидан ва бошқа усуллардан кенг кўламда фойдаланилади.

Хусусан, Қонун лойиҳасининг 13-моддасида "Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари давлат ҳокимияти ва бошқарув органининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ахборот-кутубхона ва архив фондлари орқали тақдим этадилар" дейилади. Бу эса жамиятнинг муҳим маданий-маърифий

институтларидан бўлган ахборот-кутубхона муассасалари ва архивларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш билан бирга улар мавқеининг кўтарилишига ҳам ёрдам беради.

Ҳуқуқий эксперимент ўтказиш мобайнида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти аҳолининг барча қатламлари учун содда ва тушунарли бўлишини таъминлаш мақсадида қўлланиладиган асосий тушунчалар ва атамалар махсус белгилаб олинди.

Ушбу атама ва тушунчалар ҳамкасбларимиз фаолиятида қўл келишини назарда тутиб, қуйида уларни келтирамиз:

- **архив фонди** – юридик ёки жисмоний шахслар фаолияти натижасида яратилган, тарихий ёки мантиқий жиҳатдан ўзаро алоқадор архив ҳужжатлари мажмуи;
- **идоравий архив** – юридик шахснинг архив ҳужжатларини жамлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланишни амалга оширувчи таркибий бўлинмаси;
- **ҳужжатлаштирилган ахборот** – идентификация қилиш имконини берувчи реквизитлар билан моддий асосга жойлаштирилган ахборот;
- **ҳужжатнинг ҳаётий даври** – ҳужжат билан ишлашда яратилганидан бошлаб, жисмонан йўқ қилингунгача бўлган босқичлар кетма- кетлигининг мажмуи;
- **иш юритиш** – юридик шахснинг ҳужжатлаштириш ва расмий ҳужжатлар билан ишлашни ташкил этиш бўйича фаолиятини таъминлаб берувчи жараён.

Фойдаланувчиларга янада қулайлик яратиш учун электрон ахборот ресурсларининг ягона формати яъни, **pdf** – электрон графикада қоғоз ҳужжатлар учун, **mp3** – аудиотасма ҳужжатлари учун, **avi** – видеотасвирдаги ҳужжатлар учун белгиланганлиги ҳам ахборотга эга бўлишдаги жараённинг тизимли ва тезкорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этди.

Ахборот-кутубхона ва архив фондлари орқали ахборотдан фойдаланишни таъминлашнинг асосий вазифаси, ҳуқуқий эксперимент субъектлари фаолиятига оид иш юритиш жараёнида яратилган, шунингдек улар фаолиятини тартибга солиб турувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, аввало фуқароларнинг ҳуқуқий ва қонуний манфаатларига тааллуқли ахборот материаллари билан аҳоли, нодавлат-нотижорат ташкилотлари, ОАВ ва бошқаларнинг кенг фойдаланишини таъминлашдан иборат.

Ҳуқуқий эксперимент субъектлари фаолияти тўғрисидаги ахборотлардан фойдаланишни таъминлашнинг асосий тамойиллари эса, қонунда назарда тутилган ҳолатлардан ташқари, уларнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотнинг очиқлиги ва ошкоралиги, ахборотнинг долзарблиги ва аниқлиги, ахборотнинг қидируви, олиниши, ўтказилиши ва тарқатилиши эркинлиги, фуқароларнинг фаолияти тўғрисида ахборот беришда уларнинг хусусий ҳаёти, шахсий ва оилавий сирлари дахлсизлиги ҳуқуқлари, ғурури ва иш мавқеининг ҳимояси, юридик шахсларнинг хизматига оид мавқеининг ҳимояси сақланиб қолиниши таъминланади.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотларни ахборот-кутубхона фондлари орқали тақдим этиш процедураси ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ахборотларни фойдаланувчиларга тақдим этишда бежиз ахборот-кутубхона маркази танланмаган. Сабаби – кейинги йилларда кутубхоналарнинг қиёфаси кескин ўзгарди, яъни кутубхоналар ахборот марказига айланди. Ҳозирда ахборот-кутубхона муассасалари анъанавий хизмат турлари билан бирга компьютер технологиялари асосида хизмат кўрсатмоқдалар.

Демак, юридик ва жисмоний шахслар давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотларни бевосита ахборот-кутубхона марказидан ёки архивдан олиб фойдаланиш имкониятига эга бўладилар.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотлар билан фойдаланувчиларни яқиндан таништириш учун вилоят ҳокими қошида тузилган комиссия ҳар чорак якунидан кейин қуйидаги материалларни ахборот-кутубхона фондларига саралаб олади:

- эксперимент субъектларининг ваколатли мансабдор шахсларнинг чиқишлари ва мурожаатлари матнлари;
- эксперимент субъектларининг ахборот хизмати ёки ваколатли бўлинмалари хабарлари;
- оммавий ахборот воситаларида нашр этилган ахборотлар, хабарлар ва чиқишлар;
- эксперимент субъектларининг йиғилишлар стенограммаларини, чиқишлар матнларини ўз таркибига олган очиқ коллегиал йиғилишлар материаллари ва ўтказилган йиғилишнинг ахборот материаллари ҳамда ушбу йиғилишларда қабул қилинган қарорлар нусхалари;
- эксперимент субъектлари фаолияти тўғрисида ҳар чораклик таҳлилий маърузалар, ахборот мазмунидаги маълумотлар;
- эксперимент субъекти томонидан ва унинг ваколатига тааллуқли давлат дастурлари ва бошқа дастурларнинг амалга оширилиши ҳақида ахборотлар;
- эксперимент субъектларига келиб тушган сўровлар ва мурожаатларнинг кўриб чиқиш натижалари ҳақидаги маълумотлар.

Ахборот материаллари ахборот-кутубхона фондига қоғоз ёки электрон кўринишида ўтказилади. Зарур ахборот материалларини саралашни эксперимент субъекти қошида давлат органлари раҳбарлари, ҳокимият ахборот (матбуот) ва ахборот-таҳлил хизмати вакиллари, шунингдек молиявий ва иқтисодий бўлинмалар, статистика, архив иши бошқармалари ва ахборот-кутубхона маркази вакилларидан таркиб топган комиссия амалга оширади.

Ахборот-кутубхона маркази ҳуқуқий экспериментни амалга ошириш доирасида олинган барча ҳужжатларнинг ҳисобини олиб боради ва уларнинг тезкор қидирувини амалга ошириш учун маълумотларни тўлиқ акс эттирган базасини ташкил этади. Уларни ўрнатилган тартибда танишиш учун фойдаланишга беради ҳамда барча олинган ҳужжатларнинг сақловини таъминлайди.

Таъкидлаш керакки, ахборот материаллари ахборот-кутубхона ва архив фондларига қоғоз ёки электрон кўринишида ўтказилишига бўлган алоҳида тартиблар белгиланган. Масалан, иш юритиш жараёни тугамаган ва йиғмажилдлар номенклатураси шаклланиш босқичидаги ахборот материалларининг тасдиқланган нусхалари, идоравий архивга ўрнатилган тартибда ўтказилиши лозим бўлган, иш юритиш жараёни тугаган, ахборот материалларининг асл нусхаларини ўз таркибига олган қоғоздаги ахборот материаллари фақат вилояти ҳокимиятининг идоравий архивига ўтказилади. Ёки бўлмаса, иш юритиш жараёни тугалланмаган ахборот материаллари нусхалари, иш юритиш жараёни тугалланган, лекин календар йили охиригача шаклланиш босқичи тугамаган йиғмажилдлар номенклатурасида бўлган ахборот материаллари нусхалари, электрон ҳужжатлар нусхалари электрон кўринишда ўтказилади.

Шу ўринда эксперимент доирасида кенг жамоатчилик, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари ходимларини мунтазам равишда хабардор қилиб бориш, журналистлар томонидан эксперимент ўтказилаётган субъектларнинг раҳбарларига бевосита саволлар йўллаш, Ишчи комиссия аъзолари, экспертлар ўзаро ҳамкорлик қилиш имкониятини берувчи махсус Интернет–сайти (www.legalexperiment.uz) очилганини ҳам таъкидлаш мумкин. Бу сайтга маълумотлар тақдим этиш юзасидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ходимлари учун махсус тренинглар ҳам ташкил этилди. Натижада, уларнинг ишлари сезиларли даражада енгиллашиб, ўз навбатида, Қонун лойиҳаси юзасидан асосли хулосалар ишлаб чиқиш имкониятлари кенгайди.

Ўйлаймизки, халқимизни ҳуқуқий ва қонуний манфаатларига мос меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан яқиндан таништиришда Бухоро ва Самарқанд вилоятларида олиб борилган ҳуқуқий эксперимент ўзининг ижобий натижаларини кўрсатади.

ПРЕДОСТАВЛЕНИЕ ДОСТУПА К ИНТЕРНЕТ СЛЕПЫМ И СЛАБОВИДЯЩИМ ПОЛЬЗОВАТЕЛЯМ

Татьяна Румянцева

Заведующая компьютерным информационным центром для незрячих Санкт-Петербургской Государственной библиотеки для слепых и слабовидящих

In article it is told about Internet access for blind and visually impaired users. Also is about the Internet, about its irreplaceable part in our life, resources, and remote service of readers.

Интернет давно стал незаменимой частью нашей жизни. Он помогает нам общаться с друзьями по всему миру, быть в курсе последних новостей, находить необходимую информацию. При этом мировые процессы глобализации и информатизации не обходят стороной и слабовидящих и незрячих людей. Сегодня инвалиды по зрению активно осваивают интернет-пространство. Однако доступ к сети Интернет для незрячих пользователей имеет свои особенности и проблемы.

История освоения Интернета незрячими